O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATASI INV. №

**УШБУ СОНДА:**

2 **ҚИММАТГА ТУШГАН ХАТО**

3 **ТАРБИЯ БИЗ УЧУН САОДАТ**

**ЛОҚАЙДЛИК КАСРИ**

4 **БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 8 (414)
2005 йил 22 феврал
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

**MEZON:**

**Шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.**

**Сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга ҳақли эмас.**

"ИСТЕЪМОЛЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 21-МОДДА.

## АДОЛАТ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАРАҚҚИЁТИМИЗ КАФОЛАТИДИР

***Ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим шартларидан бири — жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш, адолат ва барчанинг қонун олдида тенглигини кафолатлашдан иборатдир. Кейинги йилларда мамлакатимизда ана шу мақсад йўлида кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.***



Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида **"Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади — бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир"**, дея алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Давлатимиз раҳбари ҳаётимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш борасида фикр юритар экан, олдимизда турган устивор вазифа ва йўналишлар сифатида ҳокимиятнинг учинчи тармоғи – суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни янада ривожлантиришга алоҳида урғу берди.

Дарҳақиқат, жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш бош мақсадларимиздан бири сифатида эътироф этилаётган бугунги кунда суд идораларининг бу борадаги аҳамияти ва самарадорлигини ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш энг самарали усул эканлиги жаҳон тажрибасида аллақачон ўз исботини топган. Айтиш жоизки, мамлакатимизда ҳам ўтган йиллар давомида кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани туфайли фуқароларнинг суд ҳокимиятига нисбатан ишончи ортишига эришилди. Энг муҳими, судларнинг фуқаролик, жиноий ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви бугун ўз ижобий самарасини бермоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг 9-сессиясида сўзлаган маърузасида ҳам ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти тўғрисида гапириб, **судлар таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш зарурлиги ва шу мақсадда транспорт, солиқ судларини тузиш, холис ҳакамлар судлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозимлиги тўғрисида** қимматли фикрларни билдирган эди.

Суд ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш ҳамда судларнинг ихтисослаштирувини амалга ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан 2000 йил 14 августда имзоланган **«Ўзбекистон Республикасининг суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида»**ги Фармони судлар таркибини такомиллаштириш, уларни янги тузилмалар билан тўлдириш ҳамда судларни ихтисослаштиришга қаратилган ҳуқуқий ҳужжат сифатида муҳим аҳамият касб этди. Мазкур фармонга биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикцияли судларининг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадамлардан бири бўлди.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўла ҳимоя қилувчи ихтисослашган судларнинг ташкил этилиши давр талабига айланиб бормоқда. Бу борада бир қатор ривожланган давлатларнинг суд тизимини ўрганиш ва уларнинг бой тажрибаларидан имконият доирасида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Германия Федератив Республикаси суд тизимида манфаатдор шахсларнинг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишда судларнинг ихтисослашуви ижобий натижалар бермоқда. Масалан, оила ҳуқуқи муносабатларидан келиб чиқадиган ишлар, шунингдек, меҳнат низолари ихтисослаштирилган махсус судлар томонидан кўриб, ҳал этилади.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида прокуратура органларининг суд жараёнига аралашувини жиддий чеклаш бўйича қонунчилик меъёрларига зарур ўзгаришлар киритилганини, суд жараёнида тортишувчилик тамойили, яъни прокурор билан адвокат ҳуқуқларининг тенглиги таъминланаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, суд ҳокимиятининг мустақиллигини қўшимча равишда мустаҳкамлаш, одил судловни амалга оширувчи судларнинг ролини кучайтириш мақсадида Фуқаролик процессуал кодексига прокурор иштироки билан боғлиқ қатор қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Хусусан, эндиликда прокурор судда бошқа шахслар томонидан қўзғатилган фуқаролик ишларини кўрилишида процесснинг ҳар қандай босқичида эмас, балки иш кўришнинг бошидан иштирок этиши мумкинлиги белгиланди. Шунингдек, прокурор бошқа шахслар томонидан қўзғатилган фуқаролик ишларини кўришда иш юзасидан хулоса эмас, балки фикр бериш ҳуқуқига эга эканлиги ҳамда суд ҳал қилув қарорлари, ажримлар ва қарорларнинг ижросини тўхтатиб туриш ваколатига назорат тартибида протест келтириш ҳуқуқи берилган прокурор ва уларнинг ўринбосарлари эга бўлмаслиги ҳам қонунчиликда ўз аксини топди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари суд жараёнида адвокатларнинг таъсирини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқларини суд процессида иштирок этувчи прокурор билан тенглаштириш юзасидан қатор амалий ишлар қилинганини таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, суд жараёнида тарафларнинг тортишуви учун шароит яратиб бериш, ишда иштирок этувчи шахслар сифатида прокурор ва суддаги вакил — адвокатнинг ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш — кўрилаётган ишларни қонун асосида ҳал қилишга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам суд жараёнида адвокат иштирокининг самарадорлигини ошириш мақсадида айрим ривожланган демократик давлатлар қонунчилик тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Германия фуқаролик процессуал қонунчилигига кўра, агар бир тарафнинг манфаатларини ҳимоя қилиб, ишда адвокат иштирок этса, у ҳолда судья, албатта, иккинчи тарафнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида унинг вакили сифатида иштирок этиш учун ҳуқуқшунос шахсни тайинлайди.

**(Давоми учинчи бетда)**

## СЕШАНБАДАН СЕШАНБАГАЧА

МАМЛАКАТИМИЗДА

*Президентимиз Ислом Каримов Оқсаройда Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси, Словения ташқи ишлар вазири Димитрий Рупелни қабул қилди.*

* * *

*17 феврал куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасида Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома кучга киргани ҳақидаги ратификация ёрлиқлари алмашилди.*

* * *

*Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонасида Германиянинг "BAKS" хавфсизлик сиёсати бўйича федерал академияси билан ҳамкорликда ташкил этилган ахборот кечаси юртимиз ташқи ва ички сиёсатининг долзарб масалаларига бағишланди.*

* * *

*Ўзбекистон ва Бельгия муносабатлари тарихида эътиборга молик воқеа рўй берди. Самарқанд ва Льеж шаҳарлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.*

ХОРИЖДА

*Бундан етти йил муқаддам имзоланган иқлим ҳароратининг кўтарилишига олиб келувчи газ чиқиндиларини қисқартириш тўғрисидаги Киото келишуви кучга кирадиган бўлди.*

* * *

*2004 йил якунларига кўра, жамоат ва сиёсий арбобларга топшириладиган Германия оммавий ахборот воситаларининг махсус соврини АҚШ сенатори Хиллари Клинтонга насиб этди.*

* * *

*Европа Иттифоқи Франциянинг Куру космодромидан "Ариан ЕСА" номли ракетани самога муваффақиятли учирди. Космик кема 8 тонналик ер сунъий йўлдошини фазога олиб чиқмоқда.*

* * *

*Японияда рўй берган Рихтер шкаласи бўйича 5,4 баллик зилзила оқибатида 22 нафарга яқин киши тан жароҳати олган.*

* * *

*Хитойнинг Ляонин музофотидаги шахтада рўй берган портлаш натижасида қурбон бўлганларнинг сони 209 нафар кишига етди.*

* * *

*Греция тоғларида қор кўчиши оқибатида беш нафар альпинист ҳаётдан кўз юмди, уч нафари эса жароҳатланиб шифохонага ётқизилди.*

* * *

*Мадриднинг марказида жойлашган Кастельян шоҳ кўчасида ёнғин содир бўлди. Шаҳардаги машҳур 32 қаватли "Виндзор" осмонўпар биноси ярим кечаси ёниб кетди.*

**E`tirof**

## ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ ОҚЛАНИШИ КЕРАК

***Ҳалол меҳнат инсонни улуғлайди, элга танитади, деганлари рост экан. Мен бунинг исботини ўзимнинг ҳаётимда ҳам кўраман. Ота-бобом ҳам деҳқон ўтган, меҳнатда суяги қотган, марказий Фарғона чўлларида ер очган. Лекин улар билан бизнинг давримиз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.***

Ота-боболаримиз бир умр ширкат, давлат ва коллектив хўжаликларида ишлашди. Лекин меҳнатидан манфаатдор бўлгани йўқ. Шўро замонида мулк эгаси бўлиш ҳақида гапириш тугул, ўйлаб ҳам бўлмасди.

Мен мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, 1995 йилда "Ишонч" фермер хўжалигини ташкил этган эдим. Аввалига 28 гектар ерга деҳқончилик қилдик. Меҳнатларимиз самараси ўлароқ даромадларимиз чакки бўлмади.

Аниқроқ айтганда, фермер хўжалигимиз фаолиятининг дастлабки йилларидаёқ кўнгилгидек даромад олдик. Шунинг эвазига бешта техника сотиб олдик, ундан тўрттаси чопиқ, биттаси ҳайдов тракторидир. Бу техникалар ёрдамида ўзимизнинг еримизга ишлов бериш билан бирга бошқа фермер хўжаликларига ҳам ёрдам бериб келаяпмиз. Бу қўшимча даромад деганидир.

Албатта, бу ишларнинг ҳаммаси аввало, иқтисодий даромадга боғлиқлиги барчага аён. Фойда ёки даромадимизнинг ортиб бораётганлиги учун бизга ана шундай моддий-техника базасини яратиш имконияти туғилди. Ўтган йил дон етиштиришдан 4 миллион 200 минг сўм, пахтадан эса 4 миллион 500 минг сўм даромад олдик. Бу иқтисодий ва техник имкониятлар яқинда бўлиб ўтган тендер танловларида яна 55 гектар ерни ютиб олиш имконини берди. Энди ер майдонимиз кенгайиб, 83 гектарни ташкил этди. Бир умр деҳқончилик қилган, чўлдан катта ерлар очган отам бир парча ерга эгалик қилолмаган бўлса, мен бугун мана бу менинг ерим, деб баралла айта оламан.

Ҳаётимдаги энг қувончли воқеа яқинда халқ депутатлари Андижон вилоят, шаҳар ва туман кенгашларининг қўшма мажлисида менга юксак ишонч билдирилиб, Республика Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб сайлангандим. Не бахтки, яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида иштирок этдим. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг "**Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш**" тўғрисидаги маърузасини тингладим.

Президентимиз мамлакатимиз истиқболини белгилаб берган асосий тамойиллар орасида мамлакат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамияти катта эканлигини яна бир бор таъкидлади. Айниқса, Юртбошимизнинг **фермерларга хизмат кўрсатиш, уларни зарур моддий ресурслар ва техника билан таъминлаш бўйича бозор инфратузилмасини шаклллантириш жараёнини тезлаштириш, бўлғуси ҳосил ҳисобидан имтиёзли ставкалар асосида кредитлар беришга ўтиш ҳақида**ги фикрлари менга жуда маъқул бўлди.Чунки янги ташкил этилган фермер хўжаликларининг оёққа туриб олишида бу жараён, бу шароитларнинг аҳамияти жуда катта.

Мана бизнинг Улуғнор туманида ҳам ширкат хўжаликлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Янги ташкил этилган фермер хўжаликларига ҳар томонлама кўмак зарур.

Юртбошимиз таъкидлаган яна бир энг муҳим масала бу барча томонлар қабул қилинган шартнома мажбуриятларининг бажарилиши юзасидан масъулият ва интизомини юракдан ҳис этишдир. Дарҳақиқат, фермер ер, сув, мулк эгаси экан, контрактация шартномасида келишилган маҳсулотни албатта, етказиб бериши керак. Ердан фойдаланиш бўйича бепарволик қилган айрим фермерлар етказиб берилмаган маҳсулот учун жарима тўлаяпти, айрим фермер хўжаликлари тугатилаяпти. Бу ҳам тўғри-да. Шартнома — қонуний ҳужжат, унинг талабини бажаришда ҳар икки томон ҳам бирдек маъсулдир.

Айтмоқчиманки, бугун биз, фермерларга мамлакатимиз иқтисодий тараққиётига бевосита дахлдор юксак ишонч билдирилмоқда. Ана шу ишонч, яратилаётган шарт-шароитларни оқлаш, эл-юрт олдида юзимиз ёруғ бўлиши учун ёниб фаолият кўрсатиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

**Султонбой ЖЎРАЕВ,**
**Улуғнор туманидаги "Ишонч" фермер хўжалиги бошлиғи**

**Jurnalist surishtiruvi**

## АЙБДОР КИМ?

***Таҳририятга "Пахтакор" тумани "Самарқанд" агрохизмат марказининг "Ўзбекистон" кўчасида яшовчи фуқаро Ёқуб Ўталовдан ариза келди. Аризанинг қисқача мазмуни қуйидагича:***

"2004 йилда туман ҳокимига "Самарқанд" агрохизмат марказининг 130-контуридан оилавий деҳқон хўжалиги очиш учун рухсат сўраб, ариза бергандим. Ҳоким муовини Шариф Собировга ишни ҳал қилишни топширди. Аммо Собиров турли хил баҳона билан икки ойдан буён ҳужжатларимни ушлаб ўтирибди. Агрохизмат маркази умумий йиғилишининг баёни, ҳатто, туман ҳокимининг қарори ҳам бор. Ҳужжатларимнинг ҳаммаси тайёр, фақат Шариф Собиров қўл қўйиши керак. Менга деҳқон хўжалиги очишда ёрдам берсаларингиз?!"

Шикоят хатига агрохизмат маркази умумий йиғилиш баёни ва туман ҳокимининг қарори илова қилинмаган. Таажжубланарли томони шундаки, агар шикоятда ёзилганидек, деҳқон хўжалигини рўйхатга олиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиққан бўлса, масала ҳал бўлган. Деҳқон хўжалиги ташкил топган. У ҳолда Ш.Собиров қайси ҳужжатга қўл қўйиши керак? Шикоятчи нимадан норози ўзи? Ана шу жумбоқли саволларга жавоб қидириб, "Пахтакор"га йўл олдик. Бизнинг биринчи суҳбатдошимиз туман ҳокими Э.Солиев бўлди.

— 2001 йилда туманимизда ширкат хўжаликлари бутунлай тугатилиб, ер майдонлари фермер хўжаликларига тақсимлаб берилган, — деди у Ё.Ўталовнинг аризаси билан танишиб чиққач. — Туман заҳирасида ортиқча ер майдони қолмаган. Тўғри, фуқаро сўраётган 130-контурда 19 гектар ер бор. У Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 августдаги 258-сонли қарорига асосан кам таъминланган оилаларга 0,25 гектардан томорқа ер бериш учун "Самарқанд" қишлоқ фуқаролар йиғини балансида турибди. Хатдаги "Ҳокимнинг қарори бор", деган сўз нотўғри. Чунки қишлоқ фуқаролар йиғинига тегишли ер майдонида деҳқон хўжалиги ташкил этиш мумкин эмас.

Ҳоким билан суҳбатдан сўнг масаланинг моҳияти озгина ойдинлашгандек бўлди. Лекин олдимизда яна бир янги савол кўндаланг бўлди. Хўш, шикоятчи 130-контурдаги ер кам таъминланган оилаларга қўшимча томорқа сифатида қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилишини билармиди ёки йўқ? Агар билса, нега у туман ҳокимининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Шариф Собировни деҳқон хўжалиги очишда овора қилаётганликда айблаяпти?

Журналистик суриштирув чоғида Ёқуб Ўталовнинг туман ер бериш комиссиясида кўрилаётган ҳужжатлари орасида бўлган "Самарқанд" агрохизмат маркази ҳудудида жойлашган фермер хўжаликлари умумий йиғилишининг 2004 йил 13 августда қабул қилинган 15-сонли қарорининг баёни диққатимизни тортди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

**Talab, taklif, mulohaza**

***Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, айниқса, мулкдорлар тоифасини шакллантириш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада фаровонлаштириш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири саналади.***

## ДАЛОЛАТНОМА ТУЗИШ: МУАММО ВА ЕЧИМ

Бу борада кенг кўламли ислоҳотларнинг амалга оширилаётгани, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалик ширкатлари тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилаётгани мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришининг муҳим омили сифатида намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, фермер хўжаликларининг эмин-эркин фаолият юритиши, ривожланиши учун мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилдики, бу ҳаётда ўзининг амалий самарасини бермоқда.

Шу билан бирга фермер хўжаликлари фаолиятида учрайдиган турли хил низоларни суд томонидан ҳал этилиши жараёнида ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар мавжудлиги ҳам кўзга ташланмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 4 ноябрда эълон қилинган **"2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган таклифлар тайёрлаш бўйича махсус комиссия тузиш тўғрисида"**ги Фармойишида ҳам бу масалаларга алоҳида эътибор қаратилган. Мазкур Фармоннинг ижроси бўйича Бош вазир томонидан 2004 йил 9 ноябрда тасдиқланган иш режасида фермер хўжаликларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминланишини таҳлил қилиш, шартнома мажбуриятларини фермерлар ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлаш ҳамда фермерлар томонидан ижарага олинган ерлардан белгиланган мақсадларда фойдаланишни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмга баҳо бериш, ер участкаларини ажратиш ва уларни олиб қўйишни ҳуқуқий тартибга солувчи восита ҳисобланмиш амалдаги ҳуқуқий механизмдан фойдаланишнинг самарадорлик даражасини баҳолаш лозимлиги қайд этилган.

Шуни айтиш керакки, Фуқаролик кодекси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган **"Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмати кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек, уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида"**ги Низомда контрактация шартномаларини тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби ва томонларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари қайд этилган. Бироқ бу қонун ва Низом талабларини амалда қўллашда бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ечимини топиш, муносабатларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш шу куннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда.

Чунончи, Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 31 декабрда ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган **"Пахта хомашёси ва уруғлик пахта харид қилиш бўйича контрактация шартномаси"** намунасининг 6.1-бандида тарафлардан бири шартномани енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганини (форс-можор ҳолатини) исботласа, жавобгар бўлмаслиги, шунингдек, табиий офатлар ва бошқа ноқулай шарт-шароитлар оқибатида ёки тайёрловчининг айбли ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида мажбуриятлар бажарилмаганда, хўжаликни жавобгарликдан озод қилиш учун туман, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг хулосаси ҳам асос бўлиши қайд этилган.

Лекин мазкур ҳолат юзасидан тузилган хулоса қайси ташкилот вакиллари томонидан, қандай тартиб, муддат ва усулларда кўриб чиқилиши, ҳар бир ҳолат юзасидан тузилиши лозим бўлган далолатномаларнинг мазмуни қандай тартибда акс эттирилиши ва хулосалар қандай мазмунда ифода этилиши, ушбу ҳужжат ким томонидан тасдиқланиши ва қандай чора-тадбирлар кўрилиши, шунингдек, бундай ҳужжатдан норози томон қандай тартибда шикоят қилиши лозимлиги каби ҳолатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжат, афсуски, мавжуд эмас.

**(Давоми учинчи бетда)**

Mitti maslahat

## ШИКОЯТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

**Оила кодексининг 192-моддасига кўра, васийлик ва ҳомийлик идораларининг васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда васий ёки ҳомийни четлатиш ҳақида, шунингдек, васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари юзасидан чиқарган қарорлари устидан манфаатдор шахслар судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.**

**Маълумки, васийлик ва ҳомийлик идораларининг вазифалари Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида"ги Низомда батафсил баён этилган.**

**Халқ таълими бўлимлари ҳузурида тузилган васийлик ва ҳомийлик кенгашлари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида олиб бориши, бу вазифаларда етарли тажрибага эга бўлган шахслар кам ишлаётгани, айниқса, ҳуқуқшунос кадрларнинг бу йўналишда тақчиллиги қабул қилинаётган қарорларнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳамма вақт ҳам мукаммал эмаслигини кўрсатмоқда.**

**Қонун васийлик ва ҳомийлик идораларининг қарорлари устидан судга шикоят қилишга йўл қўяди.**

**Оила кодексининг 192-моддасида белгиланган ҳолатларга кўра, васийлик ва ҳомийлик идораларининг васий ва ҳомий тайинлаш ҳамда васий ёхуд ҳомийни четлатиш ҳақидаги қарорлари, шунингдек, васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари юзасидан чиқарган қарорлари устидан манфаатдор шахслар судга шикоят келтириши мумкин.**

**Васийлик ва ҳомийликнинг бошқа барча масалалари деганда, шарҳланаётган моддада бевосита кўрсатилган вазифалардан ташқари васийлик ёки ҳомийликка муҳтожларни ҳисобга олиш, жойлаштириш, васий ва ҳомийларнинг фаолиятини назорат қилиш, уларнинг мол-мулкини бошқариш, нафақа тайинлаш ва бошқалар тушунилади.**

**Қонунда васийлик ва ҳомийлик идоралари қарорлари устидан судга манфаатдор шахслар шикоят қилиши мумкинлиги кўрсатилган.**

**Манфаатдор шахслар деганда васийлик ва ҳомийликка муҳтож шахсларнинг тўғри ҳисобга олиниши, жойлаштирилиши ва тарбияланишига бевосита алоқадор бўлган ҳамда ўз ҳуқуқий ҳолати ёки фаолияти ва хизмат вазифаларига кўра, васийлик ёки ҳомий шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Булар жумласига васийлик ва ҳомий шахсларнинг ўзи, уларнинг яқин қариндошлари, васий ва ҳомийлар, прокурор, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, тарбия, даволаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалари, жамоат ташкилотлари ва бошқалар киради**

**Бу туркумдаги ишлар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан давлат ва бошқа идоралар, шунингдек, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартибида кўрилади.**

**Таъкидлаб ўтилганидек, васийлик ва ҳомийлик идоралари қарорлари устидан шикоят қилиш имкониятининг мавжудлиги кўплаб қонунбузарликларнинг олдини олиб, адолат тўлиқ қарор топиши учун хизмат қилади.**

**Шавкатбек ИСҲОҚОВ**

*Мен узоқ йиллардан буён ўрта мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаман. Касбим тақозоси туфайли ҳар хил тарбия олган болалар, шунингдек, турфа феъл-атворли ота-оналар билан ҳам учрашишимга тўғри келади. Ота-оналар билан учрашганимда ҳам, катта-кичик давраларда ҳам бир гапни такрорлашни яши кўраман. Боланинг ёмони, шунингдек, бегонаси бўлмайди. Ҳамма гап оилага ва ота-онага боғлиқ. Ота-онаси тўғри тарбия берган фарзанд ҳеч қачон ёмон йўлларга кириб кетмайди. Шу маънода газета долзарб мавзуни кўтариб чиққан, деб ҳисоблайман.*

Aks-sado

## БАРЧАМИЗ БИРДЕК МАСЪУЛМИЗ

### ёхуд газетанинг 15 феврал сонида чоп этилган "Оталик масъулияти" сарлавҳали мақолани ўқиб

Шу ўринда мен бола тарбиясига бевосита дахлдор бир масала хусусида фикр юритиш ниятидаман.

Гап шундаки, мактабдаги таълим-тарбиянинг асоси ҳисобланувчи ота-оналар мажлиси, уларнинг ўз ота-оналар қўмиталари мавжудлигини кўпчилик билади. Лекин мана шу мажлислар ва қўмиталарнинг асосий иштирокчилари кўп ҳолларда фақат оналардан иборат бўлиб қолаётганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Негадир бундай йиғилишларга оталар камдан-кам ҳолларда келади. Эҳтимол, улар бундай йиғилишлар иккинчи даражали аҳамиятга эга, деб ўйлаши мумкин.

Хўш, аслида ҳам шундайми?

Йўқ, албатта. Ота ҳам она сингари фарзанднинг яхши тарбия олиши, соғлом ва ҳар томонлама баркамол бўлиши, ҳаётда тўғри йўл топиши, эл-юртнинг корига ярайдиган инсон бўлиб вояга етишиши учун бирдек масъулдир. Албатта, бу масъулият ва жавобгарликни ҳеч ким инкор этмайди.

Мактабларда вақти-вақти билан ўтказилиб туриладиган ота-оналар мажлисларида эса ўқувчининг хулқи, одоб-ахлоқи, дарсларни ўзлаштириши каби бевосита унинг келажагига дахлдор масалалар муҳокама қилинади. Шундай экан, нега энди бу мажлисларга фақатгина оналар иштирок этиши керак, деган ҳақли савол туғилади. Аксарият ҳолларда бундай саволларга йиғилишга келган оналар "Дадаси ишда эдилар...", "Бугун вақтлари йўқ экан..." ва шунга ўхшаш бир қатор баҳоналарни рўкач қилишади. Аслида отанинг ҳаётдаги асосий вазифаси фарзандини билимдон ва одобли қилиб тарбиялашдан иборат эмасми?!

Бунинг учун ота фарзандининг мактабдаги хулқ-атвори, дарсларни ўзлаштириши, умуман айтганда, унинг қизиқиш ва интилишларидан мунтазам хабардор бўлиб туриши керак. Агар ота-оналар йиғилишида қатнашишни отанинг ўзи истаса, у ҳар қандай шароитда ҳам бунинг учун вақт ва имкон топа олади. Бунга ишончим комил. Агар отанинг ўзи бу масалага нисбатан эътиборсиз бўлса...

Баъзан ўқитувчилар ота-оналари йиғилишига келмаган ўқувчиларнинг уйларига бориб, ота-оналар билан суҳбатлашишга мажбур бўлади. Шундай пайтларда айрим ота-оналар ўйлаб-нетиб ўтирмай ўзларининг фарзанд тарбиясига бефарқликларини "болам ўқиганда шаҳар олиб берармиди?!", деган баҳоналар билан бекитишга ҳаракат қилишади. Хўш, бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?!

Бундай эътиборсизликдан, шубҳасиз, болалар кўпроқ зарар кўради. Чунки ота-онанинг лоқайд муносабати боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Унинг илм олишга бўлган интилишини сўндиради. Мен ҳамма ота-оналар ҳам фарзандларининг илм олиши, тарбиясига бирдек бефарқ, демоқчи эмасман. Тўғри, фарзандининг келажаги учун қайғурадиган, ўқитувчи чақирмаса ҳам ҳафтада мактабга келиб фарзандининг ўқиши, ўзлаштириши, одоб-ахлоқи, ўзини тутиши билан қизиқадиган ота-оналар кўпчиликни ташкил этади. Лекин афсуски, орамизда ўз фарзандининг келажагига бефарқ бўлган ёки ҳамон "мактабни битирсинчи, кейин қолганини ҳаммаси пул билан ҳал бўлади", деган хомхаёллар билан юрган ота-оналар ҳам йўқ эмас. Бу ҳақиқатдан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ушбу ёзганларим билан айтмоқчиманки, фарзанднинг тарбияси учун сиз — ота-оналар ва биз — ўқитувчилар бирдек жавобгармиз. Буни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.



**Раъно ҲАМРОЕВА,**
**Хатирчи туманидаги**
**10-ўрта мактаб ўқитувчиси**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Азиз газетхон, ушбу мактубни ўқиб чиққач, ўзимизга ўзимиз савол бериб кўрдик: хўш, мен фарзандим таҳсил олаётган мактабдаги ота-оналар мажлисига охирги марта қачон борганман? Энди айнан шундай савол билан сизга ҳам мурожаат қилмоқчимиз. Айтинг-чи, сиз мактабда ўқиётган ўғлингиз ёки қизингизнинг ота-оналар мажлисига охирги марта (бу савол кўпроқ оталарга тегишли) қачон боргансиз? Фарзандингизнинг кундалик дафтарини охирги марта қачон варақлаб кўргандингиз?***

***Бу ҳақда сиз нима дейсиз, азиз газетхон?***

Jinoyat anatomiyasi

## ЖАЗОНИНГ ШАФҚАТСИЗЛИГИ МУҲИММИ ЁКИ...

***Бу дунё ҳуқуқшунослари ўртасида азал-азалдан баҳс-мунозара қўзғаб келаётган мавзу саналади. Чунки кимдир жазонинг шафқатсизлиги жиноятчиликни камайишига олиб келади, деса, бошқа бир тоифа жазонинг муқаррарлиги кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга, деган фикрни илгари сурали. Халқимизда "чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", деган нақл бор. Шунинг учун ҳам биз бу баҳсга аралашмоқчи эмасмиз. Ана шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, қуйида дунёнинг турли мамлакатлари тарихида ва турли даврларда жиноятчиларга нисбатан қўлланилган жазолар хусусида фикр юритишни лозим топдик.***

**ҚУЛОҒИДАН МИХЛАБ ҚЎЙИШДИ...**

Қадимги Англия ҳуқуқшунослари ҳам жазонинг шафқатсизлиги эмас, балки унинг муқаррарлиги кўпроқ тарбиявий аҳамиятга эга, деб ҳисоблашган экан. Шунинг учун ҳам 1500 йилларда Англия ҳукуматининг амалдаги қонунчилигига ғаройиб бир банд киритилган. Ушбу бандга кўра, мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқларидаги энг кўзга кўринадиган жойларда махсус симёғочсимон устунлар ўрнатилган. Бу устунлар халқ орасида "шармандалик устуни", деб ном олган. Чунки кечирилишга лойиқ гуноҳга қўл урган жиноятчилар (оғир, кечирилмас айблар учун албатта, ўлим жазоси берилган) суд ҳукми билан жиноятчилар турли муддатларга ушбу устунларга боғлаб қўйилар ва халқ уларга нисбатан ўз нафратини билдирарди. Нафрат билдириш усуллари ҳам бир-биридан ғаройиб бўлган. Кимдир "шармандалик устуни"га боғланган жиноятчининг башарасига айниган тухум улоқтирса, яна кимдир озиқ-овқат қолдиқларини, яна биров тош, бошқа биров эса кесак отган. Хуллас, фуқаролар устунга занжирбанд этилган жиноятчиларнинг юзига ўзлари хоҳлаган нарса билан уришган.

Ана шундай "шармандалик устуни"га боғлаш жазоси 1570 йилда Тимоти Пендреддга нисбатан қўлланилган. Суд ҳайъати Тимотини ҳужжатларни сохталаштирганда айблаб, икки кун устунга боғлаш жазосини белгилайди. Буни қарангки, қонунга кўра, фуқаролар ўз нафратини билдираётган пайтда "шармандалик устуни"га боғланган жиноятчи юзини у ёқ-бу ёққа буриши, яъни юзини ўзига улоқтирилаётган нарсалардан олиб қочиши мумкин эмас экан. Тимоти эса, имкон даражасида юзини олиб қочишга ҳаракат қилади. Шунинг учун биринчи куни соқчилар унинг чап қулоғини устунга михлаб (!) қўйишади. Иккинчи кун у яна юзини зарбалардан олиб қочаётганини сезиб қолган соқчибоши ўнг қулоғини ҳам устунга михлаб қўйишни буюради.

Энг қизиғи шундаки, жиноятчиларга нисбатан жазонинг "тарбиявий усулини" қўллашни тарғиб қилган англиялик ҳуқуқшунослар жиноятчининг қулоғидан устунга михлашга оддий ҳол сифатида қарашган...

**ЎЛИМ ЖАЗОСИ БЕРИЛМАДИ, ЛЕКИН...**

Англия жиноятчилик тарихига назар ташласангиз, XVIII асрнинг ўрталарида ҳам "шармандалик устуни"дан фойдаланилганини кўриш мумкин. Мисол учун 1756 йили Лондон шаҳрида уюшган жиноий гуруҳ етакчиси Жеймс Эган ва унинг уч нафар шериги устидан суд мажлиси бўлиб ўтади. Ўз соҳасининг билимдони бўлган адвокатларнинг саъй-ҳаракати билан Жеймс ўлим жазосидан қутулиб қолади. Узоқ тортишувлардан сўнг суд ҳайъати Жеймс ва унинг шерикларига етти йиллик қамоқ ва турмага жўнатилишдан аввал икки кун "шармандалик устуни"га боғлаб қўйиш ҳақида ҳукм чиқаради.

1756 йилнинг 5 май куни жиноятчиларни Лондон шаҳри марказида жойлашган Уэст-Смитфильд майдонидаги "шармандалик устуни"га боғлашади. Икки нафар шереф жиноятчиларни ғазабланган оломоннинг ҳамласидан ҳимоя қилиб турарди. Лекин улар қанча уринишмасин, Жеймс Эганни халқ ҳамласидан борйўғи ярим соатгина ҳимоя қилишга қурблари етди, холос. Чунки устунга боғланган Жеймснинг бошига кутилмаганда ғишт парчаси келиб тегади. Шерефлар унинг бошидан оқаётган қонни тўхтатишга қанчалик ҳаракат қилишмасин, барибир, бунинг уддасидан чиқишолмайди. Натижада кўп қон йўқотган Жеймс устунга боғланган куйи ҳаётдан кўз юмади...

Кейинчалик унинг адвокати бу воқеага нисбатан ўз муносабатини шундай билдирган экан:

– Дарҳақиқат, Жеймс Эган ўзи содир этган жиноятлар учун ўлим жазосига лойиқ эди. Мен ўз адвокатлик лаёқатим ва билимим билан уни олий жазодан асраб қолгандим. Лекин у Яратганнинг жазосидан қутулиб қола олмади. Худонинг ишига мен ҳам, бошқаси ҳам аралаша олмайди. Энг асосийси, бу ҳукм кимнинг қўли билан ижро этилганидан қатъи назар, ўта адолатли ҳукм бўлди...

**БЕМАВРИД ТОМОША**

1807 йилнинг феврал ойида Англиянинг Ньюгейт турмаси олдидаги қатлгоҳда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлади. Гап шундаки, ўша куни суд ҳукми билан олий жазога ҳукм қилинган Оуэн Хаггерт ва Жон Холлоуэ исм-шарифли жиноятчилар қатл этилиши керак эди. XVIII асрнинг бошларида англияликлар қатл маросимларини томоша (!) қилиш учун оммавий равишда ташриф буюрардилар. Ўша машъум кунда ҳам худди шундай бўлди. Одам кўплигидан майдонга томошабин сиғмай кетди. Оқиб келаётган оломоннинг эса охири кўринай демасди. Охир-оқибат майдонга одам сиғмай кетди. Маълумки, бундай вазиятда кутилмаган тартибсизлик келиб чиқиши ҳеч гап эмас. Шундай ҳам бўлди. Тўполон бошланиб кетгач, шерефлар ва ҳарбийлар ҳамкорликда оломонни тарқатишди. Ўша куни белгиланган қатл кечиктирилди. Энг ёмон томони шундаки, ур-йиқит тўхтатилгач, томошага келган фуқароларнинг 36 нафари оёқ остида қолиб ҳалоқ бўлганлиги аниқланди.

**КЎРГАЗМАЛИ ЖАЗО**

Хитойлик ҳуқуқшунослар ҳамиша жазонинг шафқатсизлиги жиноятчиликни олдини олишга ёрдам беради, деган фикрни илгари сурадилар. Уларда қадимда ҳам, қолаверса, ҳозир ҳам жиноятчиларга нисбатан жазонинг жуда оғир усуллари қўлланилади. Шунингдек, олий, яъни ўлим жазоси ҳамиша халқнинг кўз ўнгида, кўргазмали равишда амалга оширилади. Бу улкан мамлакатда, айниқса, коррупция, порахўрлик ва уюшган жиноятчиликка қарши шафқатсизлик билан кураш олиб борилади. Бундай жиноятларни содир этган фуқароларга нисбатан ҳар қандай вазиятда ҳам сўзсиз ўлим жазоси қўлланилади.

Мисол учун 1991 йили нафақат Хитойда, балки бутун дунёда катта "шов-шув"га сабаб бўлган суд жараёни ҳали кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмаган. Ўшанда 13 нафар юқори мартабали амалдор коррупцияга алоқадорликда айбланиб, суд қилинган эди. Суд ҳайъати уларнинг ҳаммасини айбдор деб топади ва олий жазога ҳукм қилади.

Энг қизиғи, ҳукм Куньмин шаҳридаги футбол стадионида, ўн минг нафар фуқаронинг кўз ўнгида ижро этилади. Бундан ташқари миллий телевидениеси ушбу қатл жараёнини бутун мамлакатга тўғридан-тўғри намойиш этади.

Бундай чоралар мамлакатда жиноятчиликни олдини олишга ёрдам бераяптими ёки йўқми, биз бу ҳақда бир нарса дея олмаймиз...

**Хориж оммавий**
**ахборот воситалари**
**материаллари асосида**
**И. ҲАМРОЕВ тайёрлади.**

Charxi kajraftor

## ЖАБРДИЙДА АДАШ

Шошмашошарлик, пала-партиш иш юритиш хато, камчилик келтирибгина қолмай, инсон соғлиғига ҳам хавф солиши мумкин экан. Масалан, ана шундай англашилмовчилик туфайли австралиялик бир ҳайдовчининг инфаркт бўлишига бир баҳя қолган.

Воқеа қуйидагича юз берган: ҳайдовчи бир куни суддан хусусий фирмадан нефть маҳсулотлари учун 1160 доллар қарз бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани олади. Энг ёмони, эртаси куни ҳайдовчи ишлайдиган корхонанинг хўжайини уни ўз олдига чақириб, жамоани уятга қўймай тезда қарзларни тўлаши лозимлигини уқтиради. Ҳайдовчи эса ҳеч қаердан қарздор эмаслигини тушунтиришга қанчалар уринмасин, барибир бечорани эшитишни ҳеч ким истамайди. Унинг мол-мулкини мусодара қилиш учун ҳисобга ола бошлаганларида, "чиқмаган жондан умид" қабилида ҳайдовчи яна бир карра судга мурожаат қилади. Натижада ҳақиқат қарор топади, яъни ҳайдовчи билан исм шарифи бир хил бўлган шахс адаштириб қўйилган экан...

## ОТ АЙЛАНИБ...

Швеция қамоқхоналарининг биридан маҳбус қочиб кетишга муваффақ бўлади. У озодликка чиқиб олганлигидан хурсанд бўлиб, мамлакат ҳудудини тарк этишга қарор қилади. Пиёда юравериб ҳолдан тойган маҳбус йўловчи машина тўхтатмоқчи бўлади. Ёнида тўхтаган машинадан манзилга олиб бориб қўйишни сўрайди. Ҳайдовчи ҳам унинг истагини бажаришга рози эканлигини, фақат бир жойда озроқ юмуши борлигини айтади. "Майли, бироз бўлса, кутаман", дея маҳбус машинага ўтиради, бир маҳал не кўз билан кўрсинки, машина у қочиб кетган қамоқхонага тегишли экан. Шу тариқа унинг сафари жуда қисқа муддатда тугади. От айланиб қозиғини топади, деганлари шу бўлса керак-да.



*Пойтахтимиз манзаралари*

Jinoyat va jazo

# ЛОҚАЙДЛИК КАСРИ

**СУД ОЧЕРКИ**

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Кейинчалик Нигора ё Икромни ҳақиқатда ёқтириб қолган ёки ёлғизлик жонига тегиб, турмуш ташвишларини биргаликда енгиб юриш мақсадидами, ҳар ҳолда унинг бирга яшаш ҳақидаги таклифига рози бўлган. Аввалига улар Икромнинг опасини уйида яшашди, кейинчалик опаси" Нигора енгил табиат қиз экан", деб уларни уйидан чиқариб юборган. Нигоранинг онаси билан синглиси ҳам унинг ўзидан ўн ёш кичик йигит билан яшашига норози эди. Шунинг учун «севишганлар» Янгийўл туманидаги бир корхонанинг ёрдамчи хўжалигида яшаб, балиқ сотиб тирикчилигини ўтказиб юришган эди. Бугун ҳам ушлаган балиқларини сотиб пулига нон, помидор, бир шиша спирт харид қилишганди.

Икром Нигорани бошқалардан қаттиқ рашк қилар, у ҳақда бирон-бир ёмон гап эшитгудай бўлса, шу гапни айтган одамни ҳам, Нигорани ҳам хафа қилмай қўймас эди. Шу сабабли Нигора билиб-билмай унинг жаҳлини чиқариб қўйишдан чўчиб, эҳтиёткорлик билан муносабатда бўларди.

Улар ҳовуз бўйида ўтирган пайт узоқдан қандайдир машина чироқларини ёқиб келаётганига кўзлари тушди.

— Ким экан бу келаётган? Мабодо сенинг танишларингдан эмасмикин? — пешонаси тиришиб сўради Икром.

Нигора елкасини қисди.

— Билмадим, — деди у секин. Лекин ичида "Ишқилиб, танишларимдан бўлмасин-да, бошим нақ балога қолади-я", деб ўйлади.

Нигорага ҳам осон тутиб бўлмайди. Нима қилсин, бахти очилмагани учун оиласи бузилди, кейинчалик оила қуришга интилиб бир неча йигитлар билан танишди, учрашди, бироқ уларнинг барчаси алдаб, ташлаб кетаверди. У ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлиб юрган бир пайтда Икромга рўпара келди, ўзидан ўн ёш кичик бўлса-да, у билан яшаб, барча қийинчиликларга чидаб келмоқда.

Бу орада машина ҳовуз ёнидаги майдончада тўхтаб, унинг ичидан барваста бир йигит тушди. Уни кўрди-ю, Нигора ўрнидан отилиб туриб кетганлигини ўзи ҳам билмай қолди. Йигит икки йилча илгари олис юртга тижорат билан кетган, шу бўйи ундан дарак бўлмаган эди. У Нигора билан учрашиб турар, Нигора ҳам унга кўнгил қўйганди. У Россияга тижорат қилгани бораман, у ердан пул топиб келсам, катта тўй қилиб сенга уйланаман, деб юрарди. Бироқ у шу қўйи бадар кетди. Нигора уни кўзи тўрт бўлиб кутди. Кута-кута тоқати тоқ бўлиб, умидини узгач, Икром билан яшашга рози бўлган эди.

— Ўтир! Жойингдан қимирлама! — деди Икром қаҳр билан. У Нигоранинг қўлидан бир силтаб жойига ўтқазди. — Ким бу? Сенинг ўйнашларингданми?!..

— Йўқ, танишим... шунчаки танишим, — деди секин Нигора.

— Шунчаки танишинг бўлса, у сени бу ерга қидириб келмасди, — деди Икром илондек вишиллаб.

Йигит машинадан тушиб, уларнинг олдига келди. Сўрашди. Икром хўмрайганча қўлини узатди.

Сўнг йигит Нигорага қараб:

— Бир минутга мумкинми? — деди ва четга юрди. Нигора ўрнидан туриб, унинг ёнига борди. Боришга борди-ю, юрагини ҳовучлаб турди. У Икром жанжал чиқариб, бир балони бошламаса, гўрга эди деб жони ҳалак эди.

— Нигора, мен сени олиб кетгани келдим, эртага кетяпман, сени ҳам олиб кетаман, келганимдан буён сени қидираман. Бугун сени шу ерда эканини эшитдиму, келавердим.

— Бугун ҳеч қаёққа кетолмайман. Жанжал бўлади. Сиз ҳам бу ердан тезроқ кетинг. Эртага ўзим топаман сизни.

Шу пайт уларнинг олдига ғазабдан қалт-қалт титраётган Икром келди. У кела солиб йигитнинг ёқасидан олди.

— Менинг хотинимда сенинг нима ишинг бор? Гапинг бўлса, мана, менинг ёнимда айт,уқдингми? — у йигитни юзини мўжаллаб мушт туширмоқчи эди, лекин у чап бериб қолди. Шу пайт икки йигитнинг орасига Нигора тушди.

— Боринг, сиз кетаверинг, кетинг! — деди у йигитга. У машинасига ўтириб жўнаб кетгунча Нигора Икромга маҳкам ёпишиб, қўйиб юбормади. Бундан Икромнинг бешбаттар жаҳли чиқиб кетди.

— Сен эрингни эмас, ўйнашингни ҳимоя қиладиган бўлдингми ҳали?! — бақирди Икром ва Нигоранинг юзига мушт туширди. Нигора ерга йиқилди, ўрнидан турмоқчи бўлганда, Икром зарб билан тепди.

Нигоранинг аламли фарёди сукунат бағрини тилиб юборди...

Эрталаб тонг отди. Энди ҳовуз атрофида на Нигора, на Икром бор эди.

Орадан бир неча кун ўтди.

Ҳовуз тубидаги темир қувур остидан Нигоранинг жасади сув юзига қалқиб чиқди.

Жиноят иши қўзғатилиб, қотил қидирила бошланди.

Икром аввалига ҳеч нарсани бўйнига олмасликка уринди. Бироқ далиллар тўплангач, айбини бўйнига олишга мажбур бўлди.

— Нотаниш йигит кетгач, жанжаллашиб қолдик, мен кайф устида Нигорани итариб юборган эдим, у сувга йиқилиб тушди, маст бўлгани учун сувдан чиқа олмасдан чўкиб ўлган бўлса керак, — деди у. Бироқ текширишлар бунинг аксини, яъни Нигоранинг қўлидаги яралар у ўзини ҳимоя қилганлигини, ўлганидан сўнггина сувга ташланганини кўрстиб турарди.

Суд уни Жиноят кодексининг 97-моддаси 2-қисми "р" бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топди ва ўн саккиз йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Йигирма ёшдан эндигина ўтган йигитнинг бирин- кетин икки марта ўта оғир жиноятни содир қилганлиги унинг тарбиясида жиддий нуқсонлар борлигини, ўсмирлик пайтларидаёқ ўз ихтиёрига ташлаб қўйилганлиги, у ким билан дўст бўлганлиги, кимларнинг таъсирига тушиб қолганлиги билан ҳеч кимнинг иши бўлмаганини кўрсатади. Шунинг оқибатида у жиноят кўчасига кириб қолди. Унинг яқинлари ҳам жигарбандининг тақдирига ўта лоқайд муносабатда бўлишди. Ваҳоланки, улар яқин қариндошининг қаерда яшаётганлиги, тирикчилиги қандай ўтаётганлигидан хабар олишлари, имкон даражасида ёрдам беришлари, меҳр-оқибат кўрсатишлари зарур ва шарт эди. Аммо бундай қилишмади.

Нигорани ҳам қариндош-уруғлари ўз ҳолига ташлаб қўйишди...

Атрофдагиларнинг эътиборсизлиги, лоқайдлиги оқибатида бир ёш умр хазон бўлди. Иккинчиси эса ўзининг йигитлик даврини панжара ортида ўтказишга маҳкум. Яна аввал минг марта айтилган гапни қайтаришга мажбурмиз. Хўш, Икром жиноят кўчасига киргунича, Нигора енгилоёқлик кўчасини танлагунича, уларнинг ота-оналари, қариндош-уруғлари, қолаверса, маҳалла-куй қаерга қараган эди?

Яна одатдагидек, ушбу саволга жавоб топишни муштарийларимизнинг ҳукмига ҳавола этамиз.

**Шоҳрух АКБАРОВ,**
**журналист**

ИНСОН ва ҚОНУН
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган
Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ
Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.
Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ
Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-117. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30
МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50
2 3 4 5 6